



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

2013 йил 19 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 225 (12.536)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Танловлар

ТАШАББУС ВА ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР САРИ ҚАНОТ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Президентимиз ташаббуслари билан Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам, юртимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилган имкониятлар сирасига киради.

Ушбу танловнинг кўплаб иқтидорли қизларни кашф қилиб, уларни янада ташаббускор бўлишга, изланишга ва янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ундаётгани қувонарлидир.

Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлири, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва Меҳрибонлик уйларида минглаб иқтидорли қизлар иштирок этди.

Комиссия аъзолари томонидан ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб 55 нафар қизлар кўрик-танловнинг шаҳар босқичида фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданият йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

Яқинда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди ва унда 55 нафар энг зукко қизлар фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданият йўналишларида ўз билим-маҳоратларини намойиш этдилар.

(Давоми 3-бетда)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда)

Тошкент ислом университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Бағрикенглик — тинчлик ва барқарорлик кафолати» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда мамлакатимиздаги турли диний конфессиялар, хорижий дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, рус православ семинарияси проректори С.Стаценко ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги диний конфессиялар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун асосида фаолият олиб боради.

Диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, уни турли нотўғри қарашлардан муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий

ҳамкорлик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, турли эътиқод ва маданиятларга ҳурмат билан қарashi барча миллат ва дин вакиллари томонидан кенг эътироф этилган.

Тошкент ислом университети, «Имом Бухорий» халқаро маркази, диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинарияларида диний бағрикенгликни тарғиб этувчи тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча диний ташкилот ва конфессиялар фаолияти учун қулай шароит яратилган.

Мустақиллик шарофати билан юртдошларимиз диний расм-русумларни эмин-эркин адо этиш имкониятига эга бўлди. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз муборак ҳаж амалларини адо этиб келмоқда. Ўзбекистондаги бошқа динлар вакиллари ҳам диний байрамларини нишонлаб келаётди.

Тадбирда мамлакатимизда миллатлар ва динлараро муносабатларни янада ривожлантириш, давлат, нодавлат ва жамоат ҳамда диний ташкилотлар, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга оид маърузалар тингланди.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎЗА мухбири

Биз ва жаҳон

МУЗОКАРАЛАР ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда мамлакатимизнинг Франциядаги дипломатия миссияси делегацияси томонидан Португалияга сафар уюштирилди. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг Португалиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Парижда) мазкур мамлакат Президенти Каваку Силвага ишонч ёрлиқларини топширди. Португалия Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Португалия саноат уюшмаси — Савдо-саноат палатаси, Португалия Сайёҳлик бўйича кенгашида музокаралар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга асосан, икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқда мумкин қадар кўп қулайлик яратиш режими ўрнатилган. 1996 йили Ҳаво транспорти ва туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, шунингдек, 2010 йили Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Португалия адлия прокурори ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистон — Португалия муносабатларининг чуқурлашишига хизмат қилди.

Лиссабонда ўтказилган учрашувлар Ўзбекистон ва Португалия ўртасидаги сармоявий, савдо, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлиқни янада кенгайтириш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Бугунги кунда Португалияга Ўзбекистон экспорти транспорт хизматлари ва воситаларидан, пахта толаси, тери хом ашёидан иборат бўлса, Португалиядан мамлакатимизга тўқимачилик ва тикув маҳсулотлари, пойабзал, ёғоч, қимёвий дори-дармонлар, озиқ-овқат товарлари ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, электр асбоб-ускуналари ва автомобиль эҳтиёт қисмлари импорт қилинади.

Томонлар ўзаро шериклик муносабатларида эришилган даражага қарамай, кўпгина соҳалардаги ҳамкорлик-

нинг самарасини янада юксалтириш учун катта имкониятлар мавжудлиги тўғрисида яқдил фикр билдиришди. Хусусан, бу борадаги устувор йўналишлардан бири сифатида сармоявий ҳамкорлик ва икки томонлама савдо-сотиқ ҳажмини ошириш мақсади алоҳида тилга олинди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон делегацияси томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, яратилган сармоявий муҳит ва иқтисодийнинг турли соҳаларида, шу жумладан, «Навий» эркин индустриал-иқтисодий, «Ангрен» ва «Жиззах» маҳсул индустриал зоналаридаги ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Икки мамлакат вакиллари Португалия бюджетни даромадларининг муҳим манбаларидан бири саналадиган сайёҳлик соҳасида инфратузилмаларни лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишувга эришилди. Туризм соҳасининг аҳамияти шунда ҳам кўринадики, ҳар йили Португалияга 10 миллион нафарга яқин сайёҳлар келади. Бу рақам мамлакат аҳолиси сонига қарийб тенгдир.

Шунингдек, бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ўзаро маданий-гуманитар ҳамкорлик алмашувларининг истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

«Жаҳон» АА.

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий изчил ривожлантиришни таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омиллардандир.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРAT ОСТИДА

Бюджет ташкилотларининг бюджет интизомига риоя этиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси ва Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Мазкур тузилмалар ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили таъдиқланадиган ҳамкорликдаги ишлар режаси асосида бюджет интизоми-ни текширишга доир тадбирлар ўтказилади.

Хисоб палатаси ва Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси 2013 йилнинг тўққиз ойида республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган бир юз етмишдан ортиқ объектни биргаликда режалаштиришда қўллаб-қувватлади.

Ун тўртта олимпия заҳиралари коллежида ўтказилган текширувлар натижасида харид қилинадиган истеъмол товарлари нархи ошириб кўрсатилгани, иш ҳақи асоссиз тўлангани ва бошқа молиявий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежида кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини бериш бўйича белгиланган нормаларга риоя этмаслик оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 238,3 миллион сўм, Урганч олимпия заҳиралари коллежида эса 129,8 миллион сўм ортиқча сарфланишига йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Марғилон шаҳрида «Инсон манфаатлари — олий қадрият» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тадбирда юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, Бош Қомусимизнинг ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз келажагини таъминлашдаги ўрни хусусида сўз юритилди.

● Наманганда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Илҳом дунёси» тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Унда қирқдан зиёд таниқли мўйқалам усталарининг асарлари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Бадий академияси, Наманган вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида санъат, хусусан, тасвирий санъат ривожига қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

● Кўргонтепа туманидаги «Универсал-люкс» масъулияти чекланган жамиятида модернизация ишлари натижасида «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси учун ойига 100 минг дон бутловчи қисм етказиб бериш имконияти юзага келиб, яна қўшимча олти хил маҳсулот турини тайёрлаш ўзлаштирилди. Эътиборли жиҳати, бу ерда ташкил этилган 10 та қўшимча иш ўрнини касб-хунар коллежи битирувчилари банд этишди.

● Самарқанд шаҳрида замонавий қурилиш технологиялари кўргазмаси ўтказилди. Самарқанд вилоятидаги қурилиш ташкилотларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар ишини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги «JV MAN Auto-Uzbekistan», «СамАвто» ва бошқа йирик корхоналар ишлаб чиқараётган ва қурилиш ишларида кенг фойдаланиладиган автотранспортлар, лизинг компаниялари томонидан тақдим этилаётган техника воситалари намойиш қилинди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг энергетика соҳасида фаолият кўрсатувчи «RWE» компанияси 2016 йилга қадар мавжуд иш ўринлари сонини 6700 тага қисқартиришни режалаштирмоқда. Компания маъмуриятининг бундай қарорга келишига сўнги вақтларда Европада энергияга бўлган талабнинг кескин камайиб кетгани сабаб бўлмоқда.

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Эстонияга ташриф буюриб, мамлакат президенти Тоомас Хендрик ва бош вазир билан учрашди.

● Вьетнамда 14 йилдан буён илк бор тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида улкан сув тошқинлари юзага келди. Жумладан, табиий офат натижасида 28 киши ҳаётдан кўз юмди, 11 та одам бедарак йўқолди, 80 мингдан ортиқроқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Темир йўл ва самолётлар қатнови издан чикди, кўприклар ва йўللарга жиддий зарар етди. Энг ачинарлиси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси иншоотлари рўйхатидан ўрин олган юзлаб нодир ёдгорликлар хавф остида қолди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Бектемир туманидаги ҳарбий қисмда «Ўзбекистон Республикаси Конститу-

цияси тинчлик ва барқарорлик тараққиёти кафолатидир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ёшлар ижод саройида «Тадбиркор аёл —

2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани ёнғин

хавфсизлиги ойлиги давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш масалаларига бағишланди.



ТАШАББУС ВА ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР САРИ ҚАНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловда иштирокчиларнинг истеъдод намуналари бўлган кулолчилик, расмчилик, карвинг санъати бўйича тайёрланган маҳсулотларининг кўргазмалари ҳам ташкил қилинди.

Тадбир сўнгига иштирокчилар эсдалик совгалари ва faxрий ёрликлар билан тақдирландилар.

— Мен шундай кудратли юртининг фарзанди эканлигимдан faxрланаман, — дейди Тошкент Тўқимачилик ва ёнгил саноат институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг иккинчи босқич ўқувчиси Хилола Бадалова. — 2007 йилдан буён спортнинг шотокан-карате-до тури билан шуғулланиб келаман. Кўплаб турнирларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритганман. 2012 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогига кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлдим. 2013 йилги Ўзбекистон очик чемпионатида 2 та олтин медалига, жорий йилнинг

«Шарқ яккакурашлари маликаси-2013» кўрик-танловида қатнашиб «Гран-при»га эга бўлдим. Ўзбекистонда жоннатмакон юртда туғилиб камолга етаётганимга шукрлар қиламан. Муҳтарам Президентимизга, доимо ёнимда мени қўллаб-қувватлаб турган яқинларимга, устозларимга ўз миннатдорчилигини билдирмаган.

Ушбу танловнинг негизига нафақат қизлар орасидан иқтидорлиларни аниқлаб олиш, балки, уларга бўлган ишонч, меҳру муҳаббат ва эҳтиром туйғуларини ҳам мужассамдир. Ишонамизки, мана шу дилбар қизларимиз келажаги порлоқ мамлакатимизнинг янада тараққий этишига, дунё мамлакатлари нигоҳида нуфузи ошиб боришига ўз меҳнатлари, изланишлари ва энг асосийси, ўз иқтидорлари билан эришадилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: танловдан
лаҳзалар
Ислом Исмоилов
олган суратлар

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

Инсон ҳаёти давомида табиатнинг беминнат саховати инъоми ва марҳаматидан доимо баҳраманд бўлади. Шундай экан инсоният ва атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлангандир.

Лекин инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири натижасида бир қатор экологик муаммолар келиб чиқди.

Иқлимнинг ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши озон қатламнинг емирилиши нафақат она табиатга салбий таъсир ўтказди, балки жамияти мавжудот, инсонлар соғлиғига ҳам катта хавф солиб келмоқда. Турли юкумли касалликларнинг туғилаётган чақалоқларнинг нуқсонлар билан дунёга келишига ва бошқа бир қатор касалликларнинг илдиз отишига сабаб нима деган ҳақли савол туғилади. Бундай касалликларнинг келиб чиқишига сабаблардан бири инсонларнинг атроф-муҳитга келтираётган зарари натижасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши тобора кучайиб бораётганлигидир. Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида автотранспортнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланишининг 70 фоиздан ортиги автотранспорт ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга кўра, шаҳар атмосфераси океан устидаги атмосферага нисбатан 150 марта ифлосланган экан.

Кўриниб турибдики инсон саломатлигига таъсир этадиган турли хил касалликларнинг 65 фоизи атмосфера ҳавосининг ифлосланганликларидан юзага келмоқда. Масалан, шаҳарлар ва саноат районларида кишилар ўртасида сурункали бронхит, нафас қисилиши ва ўпка раки касалликларининг кўпайиши кузатилаётган.

Агар ҳавода олтингугурт оксиди кўп бўлгани қолса, кишиларда бронхит, гастрит, ўпка касалликлари вужудга келади. Углерод оксидининг ҳавода кўпайиши натижасида киши организмиде гемоглобин камайди, юрак қон-томир тизими

зишлари бузилади, бош айланади, юрак тез уриб ўйку бузилади. Водород сульфид газининг ортиб кетиши натижасида одамларнинг боши оғрийд, қайт қилади, дармонсизланади, ҳид билиш қобилияти заифлашади, фтор бирикмалари таъсирида бурундан қон келади, тумов пайдо бўлади.

Шаҳарда инсон соғлиғи учун зарарли атмосфера ҳавосидан кейин салбий таъсир қилувчи иккинчи омил бу шаҳар шовқинидир. Катта шаҳарлардаги шовқин инсон умрини ўртача 8-12 йилга қисқартиради. Атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришлар инсон соғлиғига зарар етказётган экан, келиб чиқаётган зарарларнинг олдини олиш йўлларида бири бу атроф-муҳитни қўқаламзорлаштиришдир. Дархотзорларнинг қўпчилиги ўз навбатида шовқин кучини пасайтиради, шовқинни камайтиради, ҳавони тозалайди, ҳароратни мўтадиллаштиради. Бу эса инсонларнинг соғлиғини яхшилашга ёрдам беради. Атроф-муҳитни озода сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундай экан атроф-муҳит озодалигини сақлашнинг яна бир чораларидан бири аҳоли ўртасида экологик таълим ва маданиятни шакллантириб бориш керак. Ахир озодалик оstonадан бошланади, биз яшаб турган уй-жойимизни канчалик ораста сақласак, шунчалик турли юкумли касалликлар тарқалишининг олдини олган бўламиз. Бу эса келажак авлодимизнинг соғлом, бақувват ва баркамол ўсишини таъминлайди. Чунки келажакни соғлом авлодга яратадим.

Мадина МУСАЕВА,
Саломатлик ва тиббий статистика
институти Тошкент шаҳар филиали
услубчи шифокори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ

қуйидаги вақант (бўш) бўлган маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, касбий таълим бўйича директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлик лавозимига		
1	Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунаар коллежи	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катта Қазни кўчаси, 52-уй
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлик лавозимига		
2	Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунаар коллежи	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катта Қазни кўчаси, 52-уй
Касбий таълим бўйича директор ўринбосарлик лавозимига		
3	Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунаар коллежи	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катта Қазни кўчаси, 52-уй

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари академик лицей, касб-хунаар коллежининг таълим йўналишларида камда биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлар бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбияни ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас, маълумоти даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбияни ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари касб-хунаар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стаж

1. Сўровнома (справка-объективка);
 2. Таржимаи ҳол;
 3. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
 4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
 5. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
 6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
 7. Паспорт (нусхаси);
 8. Тавсифнома;
 9. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Катта Қазни кўчаси, 52-уй. Тел: 216-76-16, 216-60-71



UZTELECOM

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммага айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жаҳрланмоқда, айти пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумот-нома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни оғо бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда 102 ёки 233-69-95 телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сергели тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2013 йил 8 октябрь кунги 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Массон кўчаси, 1-уйда жойлашган, қуйидаги кўчмас мулк объектлари савдога қўйилган:

1. Блок «А», умумий майдони 4 914 кв.м. бўлган маъмурий бино. Бошланғич нархи — 2 177 064 750 сўм.
2. Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м. бўлган ўтиш биноси. Бошланғич нархи — 16 135 919 сўм.
3. Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м. бўлган идора биноси. Бошланғич нархи — 8 833 723 сўм.
4. Блок «А2», умумий майдони 486 кв.м. бўлган идора биноси. Бошланғич нархи — 89 147 398 сўм.
5. Блок «В», умумий майдони 15 145 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи. Бошланғич нархи — 7 081 712 222 сўм.
6. Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м. бўлган нейтраллаш биноси. Бошланғич нархи — 103 268 682 сўм.
7. Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м. бўлган цех биноси. Бошланғич нархи — 82 955 561 сўм.
8. Блок «Е», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 343 469 433 сўм.
9. Блок «Ж», умумий майдони 1 891 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 1 027 216 664 сўм.
10. Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 11 324 268 сўм.
11. Блок «З», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган иссиқхона иншоот. Бошланғич нархи — 485 593 187 сўм.
12. Блок «К», умумий майдони 170 кв.м. бўлган бино (контра). Бошланғич нархи — 62 530 262 сўм.
13. Блок «М», умумий майдони 34 кв.м. бўлган қозонхона биноси. Бошланғич нархи — 13 209 800 сўм.
14. Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 35 938 140 сўм.
15. Блок «О», умумий майдони 1 495 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошланғич нархи — 2 182 350 784 сўм.
16. Блок «П», умумий майдони 298 кв.м. бўлган компрессор биноси. Бошланғич нархи — 127 427 978 сўм.

17. Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 9 861 975 сўм.

18. Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 5 341 336 сўм.

19. Блок «Р», умумий майдони 409 кв.м. бўлган нассосхона биноси. Бошланғич нархи — 159 250 779 сўм.

20. Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 10 301 796 сўм.

21. Блок «С», умумий майдони 1 728 кв.м. бўлган вентиляция биноси. Бошланғич нархи — 981 922 489 сўм.

22. Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м. бўлган цех биноси. Бошланғич нархи — 125 213 861 сўм.

23. Блок «Т1», умумий майдони 56 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 18 026 218 сўм.

24. Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 18 026 218 сўм.

25. Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 50 434 131 сўм.

26. Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м. бўлган қоравулхона биноси. Бошланғич нархи — 6 449 535 сўм.

27. Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 348 585 952 сўм.

28. Блок «Х», умумий майдони 128 кв.м. бўлган чилангар биноси. Бошланғич нархи — 33 503 233 сўм.

29. Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 176 867 800 сўм.

30. Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи — 21 266 717 сўм.

31. Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м. бўлган ёрдамчи бино. Бошланғич нархи — 2 228 177 сўм.

32. Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 8 324 867 сўм.

33. Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 17 320 802 сўм.

34. Блок «Ю3», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган навес. Бошланғич нархи — 173 700 782 сўм.

2013 йил 3 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Юнусобод тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига

асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 м.кв., икки қаватли ва ертўла биноси бўлган кўчмас мулк. Бошланғич нархи — 674 653 602 сўм.

2. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг 01.12.2011 йил 1 декабрь кунги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (аввалги Ш. Қозоқбоев) кўчаси, 126А-уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган, икки қаватли уй-жой. Бошланғич нархи — 337 682 696 сўм.

II. Шайхонтоҳур тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманларо судининг 2012 йил 16 октябрь кунги 1-3280/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий майдони 443 кв.м. бўлган беш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 39 000 000 сўм.

III. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 20 февраль кунги 1-587-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олой бозори (аввалги Каблуква) кўчаси, 23А-уйда жойлашган, умумий бинонинг майдони 1530 кв.м. бўлган офис биноси. Бошланғич нархи — 1 015 379 650 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагиде бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492751003, МФО 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кун мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида адлия органлари ҳузурида «Ишонч телефони» хизматлари йўлга қўйилган.

Ҳурматли ёшлар!

Агар Сизнинг ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса ёхуд қизиқтираётган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёж сезсангиз адлия органлари ҳузурида ташкил этилган «262-92-42» «Ишонч телефони»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз адлия органлари ҳимоясида!

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Давлат тест марказининг 15.11.2013 йилдаги 89-01-6023-сонли бюртманомасига асосан Давлат тест марказига тегишли, Тошкент шаҳар Боғишамол кўчаси 12-уй манзилида «Газ-310290» русумли, 1996 йилда и/ч, д/р 01-697LBA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 585 372 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил

5 декабрь кунги соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 3 декабрь кунги соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2013 йил 5 декабрь кунги сотилмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2013 йил 12 ва 19 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 12 декабрдаги савдолар учун 10 декабрь кунги соат

18:00; 19 декабрдаги савдолар учун 17 декабрь кунги соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимизнинг ҳамза туманидаги махсус мактаб-интернатда паралимпиячилар иштирокида ўтказилган ўқув-семинари ва маҳорат дарслари ҳам шу мақсадга хизмат қилди. Унда ассоциация вакиллари, мураббийлар, спортчилар, мактаб-интернат тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида паралимпия ҳаракатини ривожлантириш орқали жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлаш, иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бундай изчил ишлар самарасида жисмоний имконияти чекланган ёшлар халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда, Паралимпия ва Парасолиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан спорт орқали жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш, паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва уларни терма жамоага жалб этиш мақсадида жойларда турли тадбирлар, семинар ва мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда.

Ҳозир юртимиз паралимпиячилари қўллаб-қувватлаш мақсадидаги нуфузли мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўртасида футбол, дзюдо, енгил атлетика, стол тенниси каби

спорт турлари бўйича мусобақа ва чемпионатлар мунтазам ўтказилаётди. Паралимпиячиларнинг ўқув машғулотларини юқори савияда ташкил этиш, хорижлик спортчилар билан тажриба алмашиши, маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Тадбирда паралимпиячилар томонидан махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Байрам
АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Австралияда 2015 йилда футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионатида саралаш турнири «Е» гуруҳида Вьетнам — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида 4-тур беллашуви бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, шу кунгача ўтказилган 3 та турдан сўнг гуруҳда 9 очко билан БАА терма жамоаси пешқадамлик қилаётган бўлса, 4 тадан очко жамғарган Ўзбекистон ва Гонконг терма жамоалари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаб туришган эди. Аммо, Миржалол Қосимов шогирдлари сафарда иккита учрашувда омадларини синиб қўришларини ҳисобга олганда мазкур бахсда футболчиларимизга ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, сафарда Вьетнамликлар ҳамда гонконгликларга қарши ўйинга Миржалол Қосимов кўпроқ умидли ёшларни таклиф қилганди.

Айтиш лозимки, Вьетнам терма жамоамизга қарши учрашувда 90 дақиқа мобайнида майдонда асосан ҳамюртларимиз устунлик қилишди, мезбонлар дарвозасига хавфли ҳужумлар уюштиришди. Бирок дастлабки голни ҳамюртларимиз 40-дақиқада дарвозага киритишди. Умидли ёш футболчи Воҳид Шодиев ушбу голга муаллифлик қилди. Рақиблар дарвозасини иккинчи бўлимда яна Игорь Сергеев ҳамда Сардор Рашидов аниқ нишонга олиб терма жамоамизнинг 3:0 ҳисобида зафар қозонишга муҳим ҳисса қўишди. Ушбу ғалабадан сўнг терма жамоамизнинг очколари еттигача етди. Энди бешинчи турда сафарда Миржалол Қосимов шогирдлари гонконглик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушишди. Агар ушбу ўйинда ҳам Ўзбекистон терма жамоаси ғалабага эриша олса, Осиё чемпионати финал босқичида ўйнаш имкониятига эга бўлади.

Пойтахтимиздаги 101-махсус мактаб-интернатда таэквондо (WTF) бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди.

ШИЖОАТ ВА МАТОНАТ БАҲСИ

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада иштирокчилар мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Мусобақада Маҳфуза Қурбонова комплекс машқ бажариш ва беллашув бўйича иккита олтин медални қўлга киритди. Ўз вазн тоифасида Анвар Холматов, Дилноза Солиева ва Мафтуна Абдуусупова биринчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА)

ёнгинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек оғоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу соҳа ходимлари ёнгин билан доимо тўқнаш қилишади. Зотан, пешона тери эвазига ортирилган бойликлар ва қад кўтарган бинолар, ташкилот, муассаса, халқ ҳўжалиги масканларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлиmlаридан аниқ белгиланган тадбирлар асосида фаолият олиб борилади. Айрим фуқаролар ўз уйларида эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги, антропоген табиий газдан фойдаланиш ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқдалар. Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб борса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, тилсиз ёв бўлган олов фасл танламайди, ёнги вақт, жой танламайди. Қутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар 12-ХЕХО ходими



Сарвар Усмонов (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида «Пошхурднинг олтин пойдеворлари» деб номланган фотоқўргазма ташкил этилди. Ундан ёзувчи ва журналист Нодир Норматов томонидан суратта олинган фотосуратлар жой олган.

2013 йил — Обод турмуш йили

ЯНГИ КЎРГАЗМА

Обод турмуш йилига бағишланган кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий аъёна ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлод онгига чуқур сингдириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Н.Норматов Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Пошхурд кишлоғи-

да таваллуд топган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Бадий академиянинг Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби.

Мазкур кўргазмада гўзал кишлоқларимиз манзаралари, халқимизнинг бетакрор миллий аъёна ва қадриятлари акс этган фотосуратлар намойиш этилмоқда.

Н.УСМОНОВА

Дунёда турли-туман касблар бор. Ҳар бирининг ўзига хос машаққатлари ҳам йўқ эмас. Аммо шундай соҳа борки, инсонларнинг хавфсизлигини таъминлашда, ёнгин билан боғлиқ хавф-хатарнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир. У ёнгин хавфсизлиги хизмати.

...Олов билан юзма-юз келиш, зарур бўлганда жон фидо қилиш — айтишга осон. Ҳар хил нуқола ва мураккаб шартноларда ҳўлу қуруқни баравар ямлаётган ўт билан олишиш қанчалик мардлик, қадраслик, жасорат талаб қилишини ҳамма ҳам билавермас керак. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари ана шундай ҳар дақиқада жасорат, фидойилик талаб қиладиган, таҳликали касбни дил даъвати билан таҳлил танлашган. Бу соҳа ходимлари турли сабаблар оқибатида юзага келувчи ёнгинларга тўқнаш келадилар. Шу юртнинг табиий бойликлари, иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёти хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, тинчлигини барқарорлаштиришда уларнинг хизматлари бекиёсдир.

Ёнгиндан сақлаш хизмати Ички ишлар вазирлиги таркибиде мустақам мавқега эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланиб, ёнгинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаш, содир бўлган ёнгинларни тезкорлик билан бартараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида ижо-

бий натижаларга эришмоқда. Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ва унинг хизмати тармоқлари томонидан ўтган йиллар давомида республикада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнгинларни тезда бартараф этиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёнгиндан сақлаш хизмати ходимлари ҳаётининг ҳар қандай лаҳзасида унинг хизмати тармоқлари томонидан ўтган йиллар давомида республикада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнгинларни тезда бартараф этиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, тилсиз ёв бўлган олов фасл танламайди, ёнги вақт, жой танламайди. Қутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар 12-ХЕХО ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнида тажрибаси
бўлган**

**— 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
— 4-6 тоифали
электрикларни доимий
ишга қабул қилади.**

**Иш ҳақи 2 миллион сўм
ва ундан юқори.**



**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бенул овқат
билан таъминлайди. Иш ҳақи
ўз вақтида тўланади.**

(90)352-36-05
(90)982-56-44
Мулоқот учун телефонлар: (93)172-44-07
(90)167-17-58

УЛУГБЕК ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАҲАРЧА АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 300-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ «Қурилиш таъмирлаш хизмат кўрсатиш бошқармаси» давлат корхонаси маълум қилади — 2013 йил 1 декабрдан:

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш, иссиқлик энергиясини учун белгиланган тариф (наҳ)нинг икки баробар миқдори қўлланилиб амалга оширилади

АҲОЛИ УЧУН:

Иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган аҳолига етказиб берилган иссиқ сув учун тўлов нархлари иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффицентини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Рўйхатда турувчи фуқаролар бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрна-тилмаган турар жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар, истеъмол қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффицентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

— бир хоналик ва икки хоналик хонадонларда — бир киши учун;
— уч хоналик хонадонларда — икки киши учун;
— тўрт хоналик хонадонларда — уч киши учун;
— беш хоналик хонадонларда — тўрт киши учун.

Эслатиб ўтамоғимиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ, уй-жой мулкдорлари ва ижарага олувчилари:

— коммунал хизматларга олдиндан амалга оширилган тўловлар учун, мазкур даврда тегишли тариф (наҳ)лар ошган тақдирда, қўшимча ҳақ тўлашдан озод қилинадилар.



мол эсади. Ҳарорат келаси ва кундузи — 2-4 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 20 ноябрда кўчи ҳаво ўзгариб туради, вақт-вақти билан ёмғир ёғиб, қорға айланиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда ша-

шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши таъмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

